

**Қўқон шаҳар "Дехқон бозор" Акциядорлик Жамияти  
Акциядорларининг 2021 йил якунларига бағишланган  
Йиллик Умумий Йиғилиши  
БАЁНИ.**

Йиғилиш ўтказилган сана: 28.06.2022 йил

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 14-00

Йиғилиш ўтказилган манзили: Қўқон шаҳри, Маворауннахр кўчаси 84 уй.

Жамиятнинг акциялари умумий сони – 48 797 дона

шундан: овоз берувчи акциялари сони – 44 125 дона;

Жамиятнинг рўйхатга олинган овозлар сони- 26 255 дона

Умумий йиғилиш кворуми- 59,50 %

**Катнашдилар:**

| <b>№<br/>т/р</b> | <b>Ф.И.Ш.</b>   | <b>Акциядорнинг номи</b>  | <b>Акциялар сони,<br/>дона</b> | <b>Улуши,<br/>(%)</b> |
|------------------|-----------------|---------------------------|--------------------------------|-----------------------|
| 1.               | Маматхонов М.Н. | Қўқон шаҳар ҳокимлиги     | 24887                          | 56,40                 |
| 2.               | Ташбоев И.С.    | Дехқон буюм бозор уюшмаси | 1328                           | 3,01                  |
| 3.               | Ахмедова О.Х.   | Жисмоний шахс, акциядор   | 40                             | 0,09                  |
| <b>ЖАМИ:</b>     |                 |                           | <b>26255</b>                   | <b>59,50</b>          |

**Йиғилиш раиси: М.Маматхонов** – Жамиятнинг 24887 дона оддий акцияларига эгалик қилувчи – Қўқон шаҳар ҳокимлигининг ишончли вакили.

**Йиғилиш котиби: М.М.Ўринбоев**

Қўқон шаҳар "Дехқон бозор" акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қуидаги масалалар киритилди:

1. 2021 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботи ва қабул килинган қарорларини тасдиқлаш.
2. 2021 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисботини тасдиқлаш.
3. 2021 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варагини тасдиқлаш.
4. Тафтиш комиссиясининг ҳисботови ва хулосасини тасдиқлаш.
5. Ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш.
6. 2021 йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш.

7. 2022 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш.

8. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

9. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

10. Жамият бошқаруви аъзоларини сайлаш.

11. Жамият бошқаруви раисини ваколатини узайтириш ёки муддатдан олдин тугатиш.

12. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташки аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг микдорини белгилаш.

13. Жамият устави ва ички низомларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлаш.

14. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

### **Сўзга чиқдилар:**

Йиғилишда қатнашган Кўкон шаҳар "Дехқон бозор" акциядорлик жамияти акциядорлари томонидан йиғилиш раиси этиб бир овоздан Кўкон шаҳар ҳокимлигининг ишончли вакили М.Н.Маматхоновни сайлашди. Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов навбатдаги йиллик умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни саноқ комиссиясининг раисига берди.

Саноқ комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 44125 та овозга эга бўлган 35 та акциядорлардан 26255 та овозга эга бўлган 3 та акциядорлар катнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 59,50 % ини ташкил қиласди. Конунчиликда белгиланган тартибга асосан кворум мавжудлиги сабабли умумий йиғилишни очиш бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси, М.Н.Маматхонов йиғилишда жамият Кузатув кенгаши, ижро органи, тафтиш комиссияси аъзолари ҳам иштирок этишаётганлигини айтиб, йиғилиш раёсатини, котибиятини ва саноқ комиссиясини сайлаб олишни таклиф этди.

Жамият акциядори йиғилиш раёсатини **2** кишидан иборат таркибда сайлашни ва раёсатга жамият акциядори Кўкон шаҳар ҳокимлиги вакили М.Н.Маматхонов ва бошқарув раиси Ж.А.Мелибаевларни сайлашни таклиф қилди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини юритиш учун йиғилиш котибиятига М.М.Ўринбоевни бир овоздан тасдиқланди.

Жамият Кузатув кенгашининг 03.06.2022 йилдаги мажлисида Хошимова Маҳоратхон, Кадирова Маликахон ва Ёқибжонова Маъмурахонлардан иборат умумий йиғилиш саноқ комиссияси ташкил этилган эди. Саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва комиссиянинг ушбу шахслардан иборат таркибини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ҳамда бир овоздан маъкулланди.

Йиғилиш раиси кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва умумий йиғилишнинг қуидаги регламентини таклиф қилди. Кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маъruzachi Ж.Мелибаевга 10 дақиқагача, қолган масалалар бўйича маъruzachilarга 5 дақиқагача ва музокараларда сўзга чиқувчilarга ҳам 5 дақиқагача вақт беришни, йиғилишни танафуссиз 2 соат ичida якунлашни таклиф қилди ва ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан мақулланди.

### **Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни мухокама қилишга ўтилди.**

Кун тартибидаги **1-масала** юзасидан йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов ҳисобот берди.

М.Н.Маматхонов жамият Кузатув кенгashi томонидан ҳисобот йилида чақирилган ва ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишлари, кенгash мажлислари, уларда кўрилган масалалар, қабул қилинган қарорлар тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек маъruzachi томонидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўз вақтида бажариш мақсадида Кузатув кенгashi томонидан кенгашнинг йиллик иш режаси тузилганини, чора ва тадбирлар ишлаб чиқилганини, кенгash номига тушган хатлар ва мурожаатларга ўрнатилган тартибда, ўз вақтида жавоблар берилгани ҳам айтиб ўтилди. Ҳисоботчи томонидан жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш, уни ўтказиш бўйича Кузатув кенgashi йиғилишларида тегишли қарорлар қабул қилинганилиги таъкидлаб ўтилди.(маъруза матни илова қилинади)

Мухокамадан сўнг “**қузатув кенгашининг ҳисоботи ва 2021 йилдаги қарорлари тасдиқлансин**”, деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов кун тартибидаги **2-масала** юзасидан ҳисобот бериш учун сўзни жамият бошқаруви раиси Ж. Мелибаевга берди.

Жамият бошқарув раиси Ж.Мелибаев ҳисботида 2021 йилда тасдиқланган бизнес-режада кўрсаткичлари бажарилишида, унинг асосий кўрсаткичлари, олинган соф фойда ҳамда Ўзбекистон Республикаси хукумати қарорлари ва топшириқларининг бажарилиши ҳақида атрофлича ахборот берди.

Жумладан жамият 2021 йилда қўшимча қиймат солиги (КҚС)ни тўлашлигини ҳисобга олиб, йил давомида умумий тушум **1 934 309,00** минг

сўм, соф тушум бўлгани, маъмурий харажатлар **623 118,90** минг сўм, фойда солигини тўланганга қадар соф фойда **108 589,50** минг сўм, фойда солиги **21 718,00** минг сўм, олинган соф фойда миқдори **86 871,50** минг сўмни ташкил қилганлигини айтиб тушунтириш берди.

2021 йилда тасдиқланган бизнес-режа бўйича **54400,0** минг. сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлса, амалда **86 871,5** минг.сўм ёки прогноз кўрсаткич **158,0%** бажарилишига эришилди.

2021 йилда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга – **654 729,0** минг сўм маблағ тўланди.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан музокарага чиқкан Кузатув кенгаши аъзоси Б.Мавлонов ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, дебитор, кредитор қарздорликларни янада бартараф этиш кераклигини айтиб ўтди.

Муҳокамадан сўнг “**Жамият бошқарувининг 2021 йил учун ҳисоботи тасдиқлансин ва қониқарли деб баҳолансин**”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **3-масала** бўйича жамият бош ҳисобчиси **Қ.Маматовга** сўз берилди.

Маърузачи ҳисботот йили учун тузилган бухгалтерия баланси (форма №1), молиявий натижалар (форма№2) ҳисботот билан йиғилиш қатнашчиларини қисқача таништириди ва акциядорлардан 2021 йил якунлари бўйича тузилган жамият бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботини тасдиқлашни сўради.

Муҳокамадан сўнг “**Жамиятнинг 2021 йил учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва заарлар ҳисоб-вараги тасдиқлансин**” деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **4-масала** юзасидан жамият тафтиш комиссияси раиси **Р.Қулдашев** сўзга чиқди.

Тафтиш комиссияси ҳисботида комиссия аъзолари томонидан жамият молиявий-хўжалик фаолияти мунтазам равишда тафтиш қилиниб борилганлиги ва тафтиш натижалари бўйича бошқарув органига тегишли кўрсатмалар берилганлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолиятини мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан текширувдан ўтказилгани ва жамият молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ижобий хulosса берилганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Музокаралардан сўнг “**Тафтиш комиссиясининг ҳисботи ва ҳулосаси тасдиқлансин**”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **5-масала** бўйича АТ “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти бош директори О.Сулаймоновга сўз берилди.

Маърузачи ҳисботот йили учун тузилган бухгалтерия баланси (форма №1), молиявий натижалар (форма№2) ҳисботот билан йиғилиш қатнашчиларини

қисқача таништириди ва йиғилиш қатнашчилариға аудит текшируви юзасидан саволлар бўлмаса, АТ “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Кўқон шаҳар “Деҳқон бозор” АЖнинг 2021 йилги молияхўжалик фаолияти бўйича берилган ижобий хулосаси тасдиқлансан деган қарорга бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **6-масала** бўйича ҳам ижро органи аъзоси, жамият бош ҳисобчиси **Қ.Маматовга** берилди ва маъruzachi қуидагиларни айтиб ўтди:

Кўқон шаҳар “Деҳқон бозор” АЖда 2021 йилда олинган 86 871 500,00 (саксон олти миллион етти юзи етмиш бир минг беш юз) сўм соф фойда тақсимланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартағи ПҚ-1478-сон қарори З-илова 13-бандига асосан тақсимланишини билдириди ва Кузатув кенгаши аъзолари А.Каримов ва У.Сайдахмедовлар ҳам ўз фикрларини билдириб, соф фойдани Кузатув кенгашига бошқарув томонидан тақдим этилган таклифи асосида қуидагича тақсимланиши акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши тасдиғига киритиш белгиланган эди.

Шундан сўнг Қ.Маматов ўз маъruzасида 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуnlари бўйича жамиятимиз соф фойдаси **86 871 500,00** сўмни ташкил қилди. Соф фойда миқдори АТ “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг берган ижобий хулосаси билан ҳам тасдиқланган.

Жамият Кузатув кенгаши ўзининг 2022 йил 3 июндаги мажлисида соф фойдани қуидагича тақсимлаш тавсиясини ишлаб чиқди:

|                         |                        |
|-------------------------|------------------------|
| Дивидентларга           | - 75% (65 153 625 сўм) |
| Жамият заҳира фондига   | - 5% ( 4 343 575 сўм)  |
| Бозорни ривожлантиришга | - 20% (17 374 300 сўм) |

Дивидендлар тўлови акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори қабул қилган кундан бошлаб 60 кун ичида, юридик шахслар-акциядорларга ҳисобварагларига пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар-акциядорларга корхона ғазнаси орқали нақд пул бериш, пластик карталар, омонат дафтарчалари, акциядорларнинг ёзма аризасига кўра коммунал ва бошка тўловларга пул ўтказиш орқали амалга оширилади. Сизлардан ушбу тақсимотни тасдиқлаш учун овоз бериларингизни сўрайман.

Муҳокамадан сўнг **“2021 йил якуnlари бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш юкоридаги тартибда амалга оширилсин”** деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **7-масала** юзасидан жамият бош ҳисобчиси Қ.Маматов сўзга чиқиб йиғилиш қатнашчилариға жамиятнинг 2022 йилга белгиланган бизнес-режаси Кузатув кенгашининг мажлисида кўриб чиқилиб, жамият

акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тасдиқлаш учун маъқулланган.

Кўқон шаҳар ҳокимлиги ишончли вакили М.Н.Маматхонов бизнес режа тузиш тартибларига кўра 2022 йил даромад ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш масаласида тайёрланган бизнес режада соф фойда микдорини Кузатув кенгашининг йиғилишида танқидий кўриб чиқилганлигини, соф фойдани кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва келажакда яна ҳам юқори фойдаларга эришишни режалаштирилиши, 2022 йилда соф фойда режасини 72480,0 минг.сўм этиб белгиланаётганлигини айтиб ўтди.

**Мухокамадан сўнг “Жамиятнинг 2022 йил учун бизнес-режаси ҳамда даромад ва ҳаражатлар сметасида соф-фойдани 72480,0 минг сўм режалаштирилсин ва тасдиқлансин”,** деган таклиф овозга қўйилди.

Йиғилиш мухокамасига киритилган **8-масала** бўйича йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов қўйидагиларни айтиб ўтди:

Жамият Кузатув кенгashi таркибини сайлаш юзасидан Кўқон шаҳар ҳокимлиги ишончли вакили сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгashi таркибига янги номзодларни киритиш тўғрисида таклифлар бўлмаганлиги сабабли жамият кузатув кенгаш таркиби ўзгаришсиз қолдириш ҳақида тушунтириш берар экан, уларни қайтадан сайлаш таклифини Кенгаш аъзолигига сайлаш учун кўрсатилган номзодлар рўйхати кўлларингиздаги овоз бериш бюллетенларининг иловасида келтирилган номзодларга кумулятив овоз беришлари ҳамда ушбу номзодлардан кузатув кенгashi таркибига сайланишини айтиб ўтди ва ушбу номзодлар билан таништирди:

| Т/Б № | Кузатув кенгashi аъзолигига номзодлар | Иш жойи   |
|-------|---------------------------------------|---|
| 1     | Маматхонов Мухтор Набиҳонович         | Кўқон шаҳар ҳокимлиги бозор ва савдо департаменти бўлими бошлиғи      |
| 2     | Каримов Аҳад                          | Кўқон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси                                     |
| 3     | Мавлонов Бунёд                        | Кўқон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси                                     |
| 4     | Саидахмедов Улуғбек                   | Кўқон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси                                     |
| 5     | Тошбоев Илҳом                         | Фарғона вилояти бозорлар ва савдо комплекслари уюшма раиси ўринбосари |

Кун тартибидаги **9 - масала** юзасидан йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов қўйидаги фикрларни билдириди:

Жамият тафтиш комиссияси таркибини сайлаш масаласи борасида жамият тафтиш комиссиясига янги номзодларни киритиш тўғрисидаги таклифлар бўлмаганлиги сабабли тафтиш комиссияси таркиби қўйидагича

белгиланишида, йиғилиш қатнашчиларидан бу масалада овоз бериларини сүради.

| Т/Б № | Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар | Иш жойи                             |
|-------|--|-------------------------------------|
| 1     | Кулдашев Ровшан                        | Қўқон шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси |
| 2     | Ахмедова Одинахон                      | Акциядор                            |
| 3     | Мирзамуйдинов Эминжон                  | Акциядор                            |

Кун тартибидаги **10-масала** жамиятга сайлангаётган бошқаруви таркибиға куйидаги номзодларни таклиф этди:

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига асосан 01.04.2022 йилда киритилган ўзгартиришни инобатга олган ҳолда сайланишини йиғилиш қатнашчиларидан бу масалада овоз бериларини сўради.

|    |                            |                |
|----|----------------------------|----------------|
| 1. | Мелибаев Жаҳонгир Адилович | Бошқарув раиси |
| 2. | Маматов Қахрамон Иномович  | Бош ҳисобчи    |

Муҳокамадан сўнг “**жамият бошқарувнинг янги таркиби рўйхат бўйича сайлансин**”, деган таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги **11-масала** жамият бошқаруви раисини ваколатини узайтириш.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов сўзга чиқиб, 2021 йил молиявий хўжалик йили давомида жамият бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келаётган Мелибаев Жаҳонгир Адилович номзодини жамият бошқаруви раиси этиб сайлаш (муддатини узайтириш) таклифини киритди ва йиғилиш қатнашчиларидан бу масалада овоз беришни сўради.

Кун тартибидаги **12– масала** 2022 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти ташки аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов жамиятнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш юзасидан қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар тушганлигини айтиб ўтди:

- “Mustaqil-M” МЧЖ аудиторлик ташкилоти – 5 000 000 сўмлик тижорат таклифини берган;

- AT “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти – 4 000 000 сўмлик тижорат таклифи берган;

- “DAVR”МЧЖsh аудиторлик ташкилоти – 7 000 000 сўмлик тижорат таклифини берган.

Мажлис раиси йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2022 йил фаолиятини аудит текшируви учун тўланадиган ҳақнинг микдори ва ўз таклифини киритган аудиторлик корхоналар тажрибасини инобатга олиб, кўпчилик акциядорлар ва корхона мутахассисларини фикрларини инобатга олиб 4 млн.сўм тижорат таклифи билан қатнашаётган АТ “ELITE INVEST RENOME AUDIT” аудиторлик ташкилотини бюллетенда овоз беришларини сўради.

Кун тартибидаги **13–масала** жамият устави ва ички низомларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов жамиятнинг Устави ва ички Низомларига амалдаги қонунчилик талабларига кўра киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойихаси маъқулланишида йиғилиш қатнашчиларидан бу масалада овоз беришларини сўради.

Кун тартибидаги **14–масала** жамиятнинг Корпоратив бошқарув кодекси хуносасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси М.Н.Маматхонов сўз олиб Корпоратив бошқарув кодекси бўйича қисқа тушунтириш берди.

Кодекс АЖ бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат эканлиги, Кодекс ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига оловчи ҳамда АЖни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилганлиги айтиб ўтилди ва Кўкон шаҳар "Деҳқон бозор" АЖда Корпоратив бошқарув кодексини риоя этилиши юзасидан олиб борилган ишлар қониқарли эканлиги, 2022 йил 24 май мустакил баҳоловчи “Ишонч ЛТД” МЧЖ томонидан 2021 йилда корпоратив кодекс тамойилларига риоя этилиши юзасидан хулоса олинганлиги ва бу қониқарли хулоса эканлигини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттириди, шундан кейин Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хуносасини хабар бериш шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани овозга кўйди.

**Йиғилиш раиси** М.Н.Маматхонов мазкур масалалар юзасидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Шундан сўнг овоз бериш бошланди.

Овозларни ҳисоблаш учун 15 минут танаффус эълон қилинди.

(танаффусдан сўнг)

Хақиқий деб топилған бюллетенлар сони 3 дона, яньи 26 255 та овоз.

**Овоз бериш натижалари хисобланганда, овозлар қуидаги  
тақсимланғанлығы маълум бўлди:**

**Кун тартибининг 1-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг 2-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

**Кун тартибининг 3-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг 4-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

**Кун тартибининг 5-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

**Кун тартибининг 6-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

**Кун тартибининг 7-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг 8-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг 9-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг 10-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**Кун тартибининг 11-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

**Кун тартибининг 12-масаласи бўйича:**

- “Mustaqil-M” МЧЖ

“Ёқлайман” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

- AT “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

- “DAVR” МЧЖsh

“Ёқлайман” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

**Кун тартибининг 13-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

**Кун тартибининг 14-масаласи бўйича:**

“Ёқлайман” – 26 255 та (100%), “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ.

**Йигилиш раиси** саноқ комиссиясининг баённомаларини инобатга олишни сўради.

**“Ёқлайман” – 100,0 %, “Қаршилар” – Йўқ, “Бетарафлар” – Йўқ.**

Йигилиш раиси акциядорлардан йигилишни олиб бориш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни сўради. Таклифлар тушмади.

Шу билан умумий йигилиш ўз ишини тамомлади. Йигилиш сўнгидা,

**ҚЎҚОН ШАҲАР "ДЕҲҚОН БОЗОР" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ  
ЙИГИЛИШИ ҚУЙИДАГИЧА**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2021 йилда жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

2. 2021 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисботи тасдиқлансин.

3. 2021 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб вараги тасдиқлансин.

4. Тафтиш комиссиясининг ҳисботи ва хulosаси тасдиқлансин.

5. Ташки аудитор АТ “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ ҳисботи ва хulosаси тасдиқлансин.

6. 2021 йил якуни бўйича жамият соф фойдаси 86 871,5 минг сўм қуийдагича тақсимлансин:

Дивидентларга

- 75% (65 153 625 сўм)

Жамият захира фондига - 5% ( 4 343 575 сўм)  
Бозорни ривожлантиришга - 20% (17 374 300 сўм)

**7.** 2022 йил учун жамият Бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

**8.** Жамият Кузатув кенгаши аъзолари сайлансин:

| <b>Т/Б №</b> | <b>Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар</b> | <b>Иш жойи</b>  |
|--------------|---|---|
| 1            | Маматхонов Мухтор Набиходонович             | Қўқон шаҳар ҳокимлиги бозор ва савдо департаменти бўлими бошлиғи      |
| 2            | Каримов Аҳад                                | Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси                                     |
| 3            | Мавлонов Бунёд                              | Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси                                     |
| 4            | Саидахмедов Улугбек                         | Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси                                     |
| 5            | Тошбоев Илҳом                               | Фарғона вилояти бозорлар ва савдо комплекслари уюшма раиси ўринбосари |

**9.** Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлансин:

| <b>Т/Б №</b> | <b>Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар</b> | <b>Иш жойи</b>                      |
|--------------|---|-------------------------------------|
| 1            | Қулдашев Ровшан                               | Қўқон шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси |
| 2            | Ахмедова Одинахон                             | Акциядор                            |
| 3            | Мирзамуйдинов Эминжон                         | Акциядор                            |

**10.** Жамият бошқарув аъзолари қўйидагича сайлансин:

Мелибаев Жаҳонгир Адилович, Маматов Қаҳрамон Иномович.

**11.** Жамият бошқарув раиси Мелибаев Жаҳонгир Адиловични ваколати бир йил муддатга узайтирилсин.

**12.** Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти учун ташки аудиторлик ташкилоти АТ “ELITE INVEST RENOME AUDIT” МЧЖ тасдиқлансин; Жами – 4 000 000 сўм деб белгилансин.

**13.** Жамият Устави ва ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳририни тасдиқлаш, жамият бошқарувига (Ж.А.Мелибаев) янги таҳрирдаги жамият Уставини тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин .

14. Кўқон шаҳар "Дехқон бозор" АЖ фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси хулосасини хабар бериш шакли тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси,

Кўқон шаҳар ҳокимлиги  
ишончли вакили

Йиғилиш котиби

М.Н.Маматхонов

М.М.Ўринбоев

Баённома 07.07.2022 йил куни икки нусхада расмийлаштирилди

Күкөн шаҳар „Декқон бозор“ АЖ  
Акчимедорлари иштимооти 2021 йил амалияларига  
багишталган ишмек умумий ингизимин  
байни иштимооти 1 (Бир) жылда ижтимооттук түрдө.  
Башкарулык радио!   
Ж. А. Мембетов